# ШОШИЛИНГ, ОДАМЛАР

Тўхтанг! Бир зум диққатингизни олмоқчиман. Сиздан, бир шеър баҳонасида, умр ва умрингиз ҳақида сарҳисоб сўрамоқчиман. Бундай журъатимни айблашдан олдин, келинг бирга мулоҳаза юритайлик.

Ҳа, умр — киши туғилгандан то ўлгунча бериладиган вақт. Вақтдан эса умрнинг тарихи яратилади. Умр ва вақтнинг қўшилувидан ҳар кимга берилган тақдир ўзлигини намоён қилади: авваламбор ишда, курашда.

Унинг мазмуни — сизнинг ҳар кунги ҳаётий кашфингизга, эзгулик яратиш йўлидаги шарафли меҳнатингизга, қалбингиздаги саховатни одамларга сочишингизга қараб белгиланади, баҳоланади, хотираларга жойланади:

*«Ҳамма кунлар*
*Бутун ҳаёт —*
*Иш учун*
*Кураш учун*
*Охирги кун*
*Одамлардан*
*Розилик сўраш учун».*

Кимнинг қанча умри бор? Унга қанча вақт берилган? Бир неча йилми ёки юз йил?.. Оллоҳдан бошқа ҳеч ким буни билмайди. Ҳаёт деган мўъжизага вақт берилмаган, миллионлаб асрлар давомида у ер узра ижод этишдан чарчамайди, инсониятни камолотга етаклашдан тўхтамайди, фаолиятга, курашга ҳамма вақт имкон яратади.

Шундай экан, умргузаронлик қандай бўлиши керак? Узоқ умрга эришиш йўли борми? Умр ўлчови йилларми ёки эсда қоладиган эзгуликлар, саховатлар, яратишларнинг жами бўлган инсонийликми?

Бунга «Одамнинг яшаши учун, курашнинг улғайиши учун зарур» (А. Мухтор) бўлган шеър қандай жавоб айтади? Қани мутафаккир шоир нидосига қулоқ солинг-чи!

**«Қалб талпинар**
**Ойлар, йиллар,**
**Тўсатдан тўхташ учун**
**Ёзиш, ўчириш керак,**
**Ниманидир тушуниш.**
**Кимнидир кечириш керак,**
**Кимдан афв, ўтиниш».**

Ҳа, одамнинг умри оқар сув. У гоҳ лойқаланиб, гоҳ тиниб, гоҳ тез, гоҳ зўрға, гоҳ тўлқинланиб, гоҳ сокин оқади. Гоҳ илиқ, гоҳ совуқ бўлади... Бандаман деганнинг ҳаммасида ҳам шу ҳолат зуҳур бўлади. Энг буюк китоб «Қуръони карим»нинг «Анъом» сураси 160-оятида қуйидаги ҳақиқат битилган: «Ким бирон чиройли амал қилса, унга ўн баробар қилиб (қайтарилур). Ким бирон ёмон иш қилса, фақат ўшанинг баробарида жазоланур ва уларга зулм қилинмас».

Инсон меҳнату машаққатта қанча тез бўйсунса, қалбини меҳру шафқатга тўлдирса, у ҳамма вақт ҳар ишда эзгулик яратиш билан банд бўлади, умрининг оқиши ҳамма учун ҳар доим роҳатбахш бўлади. Ўзининг яшаши осон ва гўзаллашади. Ўзгалар дунёсини ҳам гулга кўмади. Шундай яшашга доимо шошилиш лозим. Шундай қадр-қимматга эга бўлиш учун тинимсиз олға интилмоқ зарур, мукаммалликка, комилликка эришмоқни бугунги бурч дея тушунмоқ ва амалиёт учун қўлланма қилмоқ талаб қилинади. Умрни беҳуда совурмоқдан, номуносиб ишларга сарфламасдан, унинг ҳар лаҳзасини, ойларини, йилларини ҳаётнинг мазмуни учун, Эркинлик ва Озодликнинг қадри учун, Мустақиллик ва Истиқлолнинг бунёди учун бахшида қилишга улгуриш керак. Инсон биродаринг учун беминнат хизматини қойилмақом қилиб бажаришга эришмоқ, «Умрни ғанимат билмоқ» (А. Навоий) лозим. Иншоллоҳ,

**«Барига бугун улгур**
**Эрта балки фурсат йўқ.**
**Чунки умр деганлари**
**Бамисли отилган ўқ.**
**Уни ўтдай ёндириб қўй**
**Дунёда қолиш учун**
**Сўнгги соат —**
**Одамлардан**
**Розилик олиш учун».**

Ҳақ гап: одам бўлиб туғилиш мумкин, лекин ҳақиқий инсон бўлиб, бошқаларга қалбдан нур улашиб яшамоқ жудаям оғир иш. Ана шу оғир юкни кўтара олган, уни манзилгача олиб борган одамгина кўпдан «розилик» ола билади, «яхши одам эди» деган шарафга муяссар бўлади.

Дарҳақиқат, Саъдий бобомиз айтганларидек:

*«Қололмас жаҳон ичра*
*мангу киши*
*Фақат қолгуси яхши*
*ному иши».*

Навоий бобомиз ёзганларидек: «Умр бевафодир, мардона ҳаёт — абадийдир». Шу сабабдан, маънавият — кимнингдир қалб нидоси, кимнингдир қалб қўшиғи, кимнингдир қалб эҳсони, кимнингдир қалб сўзи, кимнингдир қалб кўзи, кимнингдир қалб қуёши... Маънавият инсоннинг ижобий ва самимий хислатлари жамидир. Унда инсонийликка зид ҳою-ҳавасларга, маишату гуноҳларга ўрин ажратилмаган. Баркамоллик, меҳнату машаққат, поклигу сахийликка ўхшаш минг-минглаб хислату фазилатлар бўлиши, ўсиши, ривожи, камоли учун майдон яратилган, холос. Ҳаммамиз учун уни эгаллаш имконияти жамулжам. Гапнинг ҳаммаси — ўзлигимизда! Ўз умримизнинг эгаси бўла олишимизда!

Сиз билган гаплар айтилган бўлса, бу яхши гапларни такрорлаш — савоб деган тасалли бизга етарли. Хўш, бугун қандай эзгулик қилдингиз? Кимнинг оғирини енгиллатдингиз, кимнинг кўнглини олдингиз? Улгурдингизми ёки энди киришмоқчимисиз?..

Шошилинг, Ҳазрати Инсон!

Президентимиз таъкидлаган сўзларни, унинг мағзини яна бир ўйлаб кўринг:

«Элликдан ошган одам шошилиши керак. Чунки бу ёқда қанча умр қолганлиги ёлғиз Оллоҳга аён. Савоб ишлар, улуғ ишларни улгуриб қилиб кетмоқ эса ҳамма инсон учун ҳам фарз, ҳам қарздир».

Эй, инсон! Ҳаётдан қарзингни узиш ҳаракатини бошлаган бўлсанг, сенга офарин! Бошламаган бўлсанг, бугундан кириш — вақт ғанимат! Оллоҳ мададкор! Истиқлол талабгор!

■ **Ҳотам УМР**

# МАҲМУД МИРЗАЕВИЧ МИРЗАЕВ



Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги фани оғир жудоликка учради. Бешафқат ўлим Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, Боғдорчилик, узумчилик, виночилик илмий-ишлаб чиқариш корпорациясининг раиси, академик Маҳмуд Мирзаевич Мирзаевни 79 ёшида орамиздан олиб кетди.

Маҳмуд Мирзаев 1921 йили Тошкент шаҳрида туғилди. Тошкент Қишлоқ хўжалик институтини тугатгач, кўп йиллар мобайнида қатор давлат ташкилотлари ва илмий муассасаларга раҳбарлик қилди. 1949 йилдан умрининг охирига қадар Ўзбекистон Боғдорчилик, узумчилик, виночилик илмий-ишлаб чиқариш корпорациясини бошқариб келди.

Маҳмуд Мирзаев ўзининг бутун куч-ғайрати, билими ва бой амалий тажрибасини мамлакатимизнинг қишлоқ хўжалик фанини ривожлантиришга бағишлади. Айниқса, юртимизда боғдорчилик, узумчилик соҳаларини юксалтиришда, бу борадаги назарий билимларни ҳаётга татбиқ этиш ва амалиёт билан узвий боғлашда атоқли олимнинг хизматлари беқиёсдир. Юртимизда янги-янги боғ-роғлар ва токзорларни барпо этиш, истиқболли мева навларини яратиш, ҳосилдорликни ошириш ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича олиб борган кенг кўламли тадқиқотлари ва эришган катта амалий ютуқлари туфайли Маҳмуд Мирзаевнинг номи нафақат мамлакатимиз, балки хорижий давлатларда ҳам обрў-эътибор қозонди.

Профессор Маҳмуд Мирзаев тўрт юздан ортиқ илмий иш муаллифидир. У ўз фаолияти давомида Ўзбекистон иқлимига мос ўндан зиёд тезпишар, серҳосил янги навлар яратди.

Жонкуяр устоз Маҳмуд Мирзаев минтақа учун етук мутахассислар тайёрлаш ва тарбиялаш ишига бош-қош бўлди. Кўплаб иқтидорли ёшлар бевосита унинг раҳбарлигида қимматли илмий тадқиқотлар олиб бордилар.

Маҳмуд Мирзаев ўзининг камтарлиги, меҳнатсеварлиги, юртпарварлиги билан халқимизнинг ҳурмат-эътиборига сазовор бўлган олижаноб инсон эди. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини, илм-фанини ривожлантириш йўлидаги улкан хизматлари учун олим «Меҳнат Қаҳрамони» унвони, «Эл-юрт ҳурмати» ордени ҳамда Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланган эди.

Заҳматкаш олим, моҳир ташкилотчи раҳбар, илму фанимизнинг чинакам фидойиси Маҳмуд Мирзаевнинг ёркин хотираси қалбимизда абадий сақланиб қолади.

**И. КАРИМОВ,**
**Э. ХАЛИЛОВ,**
**Ў.СУЛТОНОВ,**
**И. ЖЎРАБЕКОВ,**
**Т. АЛИМОВ,**
**Т.ХОЛТОЕВ,**
**У. МИРЗАҚУЛОВ,**
**М. ИСМАТОВ,**
**М. РЎЗМАТОВ**

* * *

4 август куни Президент Ислом Каримов халқ ҳурматига сазовор бўлган улкан олим, боғдорчилик илмининг алломаси, академик Маҳмуд Мирзаевнинг хонадонида бўлиб, марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик изҳор этди.

■ **(ЎзА)**

# ҲАМКОР — ҲАМФИКР ДЕГАНИ







*Фарғона консерва заводи Саудия Арабистони тадбиркорлари томонидан қайта таъмирланиб жаҳон андозаларига мувофиқ жиҳозланди. «МС ФУД Прогрессинг КО» Ўзбекистон — Саудия Арабистони қўшма корхонаси деб ном олган бу йирик ишлаб чиқариш мажмуи дастлабки маҳсулотлари биланоқ харидорларнинг назарига тушди.*

*Мазкур жамоа фаолиятининг аҳамиятли жиҳатларидан бири — иш сифати ва унумининг уйғунлигидир. Бу эса қўшма корхона равнақига қўл келади. Айни пайтда бу ерда мева ва сабзавотлар қайта ишланиб, 30 хилга яқин сифатли маҳсулотлар тайёрланяпти. Қувончли томони шундаки, энди консерва маҳсулотлари аввалгидай 1, 2, 3 литрли оддий банкаларда эмас, балки бежирим, турли шаклдаги шиша идишларда харидорларга тақдим этилади. Йирик идишларга эса томат пасталари герметик усулда қадоқланиб, экспорт учун тайёрланмоқда.*

*Қўшма корхонада ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг 50 фоизи экспорт учун мўлжалланган. Қолган 50 фоизи эса ҳамюртларимиз дастурхонига тортиқ этилади. Ҳозир мамлакатимизда айни пишиқчилик. Мана шундай пишиқчилик палласида корхона жамоасининг қўли-қўлига тегмайди. Ҳар куни 70-80 тоннадан мева-сабзавот қайта ишланмоқда. Албатта бу жараёнда корхонага келтирилган янги, замонавий ишлаб чиқариш технологиялари қўл келаётганини эътироф этиш зарур.*

*350 нафар фарғоналик ёшлар намунали меҳнат қилишмоқда. Улар бу йил 3700 тонна маҳсулот ишлаб чиқаришга аҳд қилишган. Шу кунгача 1033 тонна маҳсулот ишлаб чиқарилди.*

*Мухтасар айтганда, ушбу ҳамкор томонлар хайрли ишга қўл урдилар. Бу нафақат ҳар иккала юрт иқтисодиёти ривожида балки икки миллат дўстлигини мустаҳкамлашда ҳам ишончли кўприк бўлади.*

__Суратларда:__ 1) «МС ФУД Прогрессинг КО» Ўзбекистон — Саудия Арабистони қўшма корхонаси омборида — (чапдан) Раҳима Камолова ва Муборак Қодирова иш устида; 2) Ишчи Санобар Хоринова ўз меҳнатидан мамнун; 3) қўшма корхонанинг ишлаб чиқариш ва экспортга тайёрлаш цехида — оператор Лариса Кривощанова.

■ **Шухрат ОЛИМОВ (УзА) олган суратлар**

# ЗАНЖИРНИНГ БИР ҲАЛҚАСИ

***Марказий Осиёда ягона саналмиш Янгийўл «Металлпластмасса» маҳсулотлари харидорларга маъқул бўляпти.***

**Янгийўл шаҳрида ишлаб чиқариш қуввати катта бўлган корхоналар анчагина. Ана шулардан бири, мамлакатимиз иқтисодиётига муносиб улуш қўшиб келаётган «Металлпластмасса» заводидир. Бу ерда оддийгина шиша тиқинидан тортиб, банка консерва қопқоқларию, полиэтилен-пластмасса буюмлари ва бошқа кўплаб маҳсулотлар тайёрлаш йўлга қўйилган.**

**Мазкур корхона Марказий Осиёда ягона ҳисобланади. Ишлаб чиқариш қуввати билан МДҲдаги бошқа шу турдаги заводлардан ажралиб туради.**

**Корхонада тайёрланаётган маҳсулотларнинг тўқсон етти фоиз хомашёси четдан олиб келинади. Шундай бўлса-да, бу ерда хомашё йўқ, бутловчи қисмлар етишмаяпти, деган гапни эшитмайсиз. Қайтанга, изланиш, янгиликка интилиш бор жамоада!**

**Айни кезда «Металлпластмасса» заводи ҳиссадорлик жамиятида «полиэтилен, қопқоқ тайёрлаш, яшик чиқарадиган, пробка цехлари тўла қувват билан ишламоқда. Уларда бир кунда миллион-миллион сўмлик маҳсулот тайёрланади. Биргина маъданли сув ёки лимонад тиқини тайёрлаш цехида кунига 850 минг, бошқа цехда эса 300 минг дона қопқоқ ишлаб чиқарилаётир.**

**— Бозор талаби — ҳаққоний, одилона эҳтиёж, — дейди Янгийўл «Металлпластмасса» ҳиссадорлик жамияти раиси Раҳмат Турсунов. — Шу жиҳатдан ишда сусткашликка, лоқайдликка сира йўл қўймаслигимиз шарт. Акс ҳолда деҳқон маҳсулоти исроф бўлиши мумкин.**

**Жамоа аъзолари пиво ва маъданли ҳамда салқин ичимликлар ишлаб чиқарадиган комбинатлар, қолаверса, барча консерва заводлари бу жамоа билан мунтазам алоқада, ҳамкорликда ишламоқда.**

**Раҳмат Турсунов билан завод цехларини айланиб иш жараёни билан танишдик. Сизу бизга оддий бўлиб туюлган шиша тиқини ёки банка қопқоғини кўча-кўйда ушлаб кўриб ҳам тўғриси эътибор бермаймиз. Очиғи, бу ерда тайёрланаётган тиқин ва қопқоқлар қанча заҳматлар эвазига тайёрланаётганининг гувоҳи бўлдик.**

**Шу йил «Металлпластмасса» заводида ярим йиллик ўсиш суръатлари ўтган йилга нисбатан банка қопқоғи ишлаб чиқариш 103,8 фоизга, шиша тиқини 185,7 фоизга, пластмасса яшиклар тайёрлаш эса 3-4 баробарга ошган.**

**Бу ерда бурама қопқоқлар ишлаб чиқариш бўйича хориж билан ўзаро келишув кетяпти. Бу иш ўз самарасини кўрсатса, тайёр маҳсулот айланмаси 1,5-2 миллиард сўмга чиқади. Бу борада корхонага Европа Тикланиш ва тараққиёт банки ёрдам бермоқчи.**



**Хуллас, корхонадаги ишлар бозор талаби даражасида олиб бориляпти. Бу сингари муваффақиятларнинг сири бор. Тиниб-тинчимас завод раҳбари Раҳмат Турсуновнинг 1971 йилдан буён шу даргоҳда ишлаётганлиги ҳам қўл келяпти. Аввал бошида слесарликдан уста, катта уста, цех бошлиғи ва ниҳоят кейинги 15 йил ичида завод раҳбари бўлиб ишлаш унинг «чеки» тушганлиги тажрибасини юксалтирди. Тажрибалар эса ишлаб чиқаришнинг барча жабҳасини бугунги даражага етказди.**

**— Ишчи ва ходимларимизнинг барчаси меҳнатсеварр! Улар туфайли, заводимиз мижозлардан сира уялиб қолишмаган, қолишмайди ҳам, — дейди у.**

**Дарвоқе, Янгийўлдаги бу корхона иқтисодида ютуқлар, ўзгаришлар кўпайиб бораётганлиги кўнгилларни шод этади.**

■ **Маъмуржон ҚИЁМОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

## МАТОНАТ



**Шоназар ИБРОҲИМОВ олган сурат**

# ҚИРҚ БЕШИНЧИСИ ҲАМ ТАЙЁР

Нукус шаҳрининг кўчаларидан бирида эрталаб Оллониёз ака Утениёзов билан учрашиб қолдим.

— Мустақиллик байрамига қирқ бешинчи уйни қуриб битказдим, эндиликда боғ-роғлари билан шуғулланмоқдаман, — деди у.

Оллониёз ака камдан-кам учрайдиган фазилатли инсонлардан. У Нукус тумани, «Нукус» жамоа хўжалигида яшаётган, ЧАЭС қатнашчиси, биринчи гуруҳ ногирони Айтбой Сметуллаевга 3 хонали уй қуриб берди. Айтбойнинг иморати эскириб, вақтинча вагонеткада яшаётган эди. Уйни Оллониёз ака бир ой ичида битказди ва нуронийлар фотиҳасини олди. Қурилиш материалларини етказиб беришда хўжалик раиси, ХДП аъзоси Айтбой Холимбетов, қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Тамара Қайбраҳмановалар ёрдам беришди.

Оллониёз ака пенсияга чиққунга қадар Нукус туманидаги 4-ўрта мактабда ўқитувчи бўлиб ишлади. Ўта саховатли бу инсон ҳозирги кунгача икки хонали 2 та медпункт, 50 ўринлик 2 та болалар боғчаси, 1 та ўрта, 1 та тўққиз йиллик мактаб, 1 та кутубхона ва шахсий оилаларга қуриб берган иморатларини қўшиб ҳисоблаганда жами 45 та иморат қурибди. Унга фарзанди Ажиниёз доим ёрдам бериб келаяпти.

■ **Саладдин МИНАЖОВ**

ЛУҚМА

# ЭЪТИБОРСИЗЛИКМИ ЁКИ ҚОНУННИ МЕНСИМАСЛИК?

Газетамизнинг 20 апрель сонида «Раис ким учун ишлаши керак?» сарлавҳали мақолада баъзи қонунбузарликлар, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ўрнига ўз манфаатини кўзлаш каби ҳолатлар Пахтаобод тумани «Намуна» жамоа хўжалигида содир этилгани айтиб ўтилган бўлса-да, ҳалигача ҳеч қандай чора кўрилмаганлиги кишини ажаблантиради.

Таҳририятимизга жабрдийда М. Қўзиева номидан яна мактуб келди. Унда айтилишича, танқидий мақола туман раҳбарияти томонидан текширилганда, кўрсатиб ўтилган камчиликлар ўз тасдиғини топган ва М. Қўзиева ўз жойига бўлмаса-да, клуб мудирлигига ишга олинган. Аммо орадан уч кун ўтиб яна ишсиз қолган. Бу нима? Кўзбўямачиликми?

Шунингдек, «Раис ким учун ишлаши керак?» мақоласида хўжалик балансидаги алоқа уйи раиснинг қариндошига шунчаки бериб юборилганлиги айтилганди. Қизиғи, эндиликда ими-жимида кимошди савдосига қўйилмоқчи. Гўё ошкора қилса, бошқа биров сотиб олиб қўядигандек. Шу пайтгача алоқа бўлими биносида ноқонуний яшаб келаётган шахсга нисбатан ҳеч қандай амалий чора кўрилмабди. Эндиликда сувдан қуруқ чиқиш мақсадида, яширин кимошдига қўйиш кимнинг манфаати учун экан?

Қонунни четлаб ўтиб, ўз амал курсисида, қўлингдан нима келарди қабилида ишлаб юрган раис жанобларини тўғри йўлга солиш наҳотки вилоят раҳбарияти қўлидан келмаса?

■ **Юсуф ЖЎРАЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

